Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 71 (6961).

14 АПРЕЛЬ

ШАНБА

1979 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдаги қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

5. Коммунистик партиянинг ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори ва раҳбари Владимир Ильич Ленинниг номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!

6. Коммунизм бунёдкори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

7. Яшасин коммунизм қурилишидаги етакчи куч — Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

8. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкори — шонли колхозчи деҳқонлар!

9. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкори — совет халқ зиёлилари!

10. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

Совет жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланаверсин!

11. Яшасин социалистик Ватанимиздаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ва мустаҳкам бирлиги!

12. Яшасин дунёда биринчи социалистик умумхалқ давлатининг Асосий қонуни — Совет Конституцияси!

Яшасин социалистик демократия!

13. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кенгаяверсин!

14. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун курашингиз, ривожланган социализм имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга интилингиз!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган ҳаракатни кенг авж олдирингиз!

Ленинча, коммунистларча яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!

16. Коммунистлар! КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун умумхалқ курашининг пешқадамлари бўлингиз!

17. Совет касаба союзлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, сиёсий, хўжалик ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этишда актив қатнашингиз! Социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини такомиллаштиринг!

Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

18. Йигит ва қизлар! Коммунизмни сабот билан ўрганингиз! Билим, маданият, профессионал маҳоратни эгалланг!

Коммунизм учун актив, онгли курашчилар бўлингиз!

19. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

20. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари!

Ўзининг қайноқ қалб қўрини социалистик Ватаннинг муносиб гражданлари бўлмиш болаларни тарбиялашга бағишлаётган оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсинлар!

21. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни тинимсиз такомиллаштиринг, Ватанни, социализмнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга доим тайёр туринг!

Яшасин совет халқи тинч меҳнатининг ишончли посбони, ялпи тинчлик таянчи — шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, унинг самарадорлиги ва сифатини оширинг! 1979 йил планини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашинг!

23. Коммунистик қурилишда пешқадамлик қилаётган илғор коллективларга, беш йиллик зарбдорларига шон-шарафлар!

24. Саноат ходимлари! Ватанимизнинг индустриал қудратини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашингиз! Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштиринг ва шу қувватлардан самарали фойдаланинг! Янги техникани, прогрессив технология ва илғор тажрибани жорий этинг!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш учун курашингиз, Байкал-Амур магистрали қурилиши суръатларини кучайтиринг!

26. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни, унинг турларини кўпайтиринг, сифатини оширинг!

Совет кишиларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиринг!

27. Қурилиш ходимлари! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ўз вақтида ишга туширинг!

Замонавий техника асосида шинам, тежамли қурингиз!

28. Транспорт ва алоқа ходимлари! Совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиринг! Халқ хўжалигига хизмат қилишни яхшиланг, транспортдан ва алоқа воситаларидан самарали фойдаланинг!

Транспортчиларнинг меҳнатдаги ҳамдўстлигини ҳар томонлама ривожлантиринг!

29. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини ҳар тарафлама ва узлуксиз ривожлантириш учун курашингиз! Уни механизациялаш ва химиялаш, ерларни мелиорациялаш суръатларини жадаллаштиринг, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантиринг!

30. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширинг! Ердан, техника ва ўғитдан, барча материал ресурсларидан тежабтергаб фойдаланинг!

Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларига ва янги технологияга — кенг йўл!

31. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Дон, пахта, қанд лавлаги, картошка ва сабзавот етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиринг! Кўкламги дала ишларини намунали ўтказиш учун, мўл ҳосил олиш учун курашинг!

32. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! Жамоат чорвачилигини ривожлантиринг, унинг ем-хашак базасини ҳар томонлама мустаҳкамланг! Чорва туғини кўпайтиринг, унинг маҳсулдорлигини оширинг, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиринг!

33. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! РСФСР ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш учун актив курашингиз!

34. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, транспорт, қайта ишлаш, савдо корхоналари ва ташкилотларининг ходимлари! Дала ва фермалар маҳсулотининг ҳар бир килограмми сақлаб қолиниб, халқ фаровонлиги йўлида ишлатилишига эришингиз!

35. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва уй-жой коммунал хўжалик ходимлари! Иш сифатини, совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширинг!

36. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат интизомини мустаҳкамланг, ҳар бир иш минутидан унумли фойдаланинг! Металл, хом ашёни тежангиз, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланинг!

37. Совет Иттифоқи гражданлари! Социалистик мулкни муқаддас билиб, эҳтиёт қилиб асрангиз ва кўпайтиринг! Мамлакатнинг ҳамма имкониятлари ва бойликларидан оқилона, омилкорлик билан фойдаланинг, жонажон табиатни муҳофаза қилинг!

38. Халқ хўжалиги мутахассислари! Рационализаторлар ва ихтирочилар! Ишлаб чиқаришни такомиллаштиринг, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашинг, ҳамма жойда илғор тажрибани жорий этинг!

39. Совет олимлари! Илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширинг, фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамланг!

Совет фанига шон-шарафлар!

40. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтаринг, улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратинг!

41. Халқ маорифи ходимлари! Таълим самарадорлиги ва сифатини оширинг! Ёш авлодни коммунизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, ўқишга ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбиялангиз!

42. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Медицина хизмати сифатини ва маданиятини оширингиз! Медицина фанининг энг янги ютуқларидан яхшироқ фойдаланинг!

43. Физкультура ва спорт ходимлари, эркак ва аёл спортчилар! Физкультурани совет кишиларининг кундалик ҳаётига сингдиринг, 80 йилги Москва Олимпиадасига тайёргарликни кенг авж олдиринг!

44. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашинг!

45. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини астойдил севинг, билимларни ва меҳнат кўникмаларини сабот билан эгалланг! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланинг!

46. Империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун матонатли курашчилар — коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг метин негизида мустаҳкамланаверсин!

47. Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли-пролетар интернационализми!

48. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи! Империализмга қарши курашнинг ҳал қилувчи кучи, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт таянчи-жаҳон социализм системаси ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги қардош партиялар ва халқларнинг бирлиги ҳамда жипслиги!

49. Ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун одилона курашаётган қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

Социалистик Вьетнамдан қўлингни торт!

50. Мард Лаос халқига қардошлик саломи! Социалистик жамият асосларини қуриш йўлидан бораётган Лаос Халқ Демократик Республикаси мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнайверсин!

51. Демократик ўзгартишлар йўлига ўтиб олган Кампучия халқига қардошлик саломи!

Кампучия Халқ Республикаси мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин!

52. Озодликни курашиб қўлга киритган, янги жамият қураётган афғон халқига қардошлик саломи!

Совет Иттифоқи ва Афғонистон Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

53. Империализмга қарши, миллий озодлик революциясини амалга оширган Эрон халқига оташин салом!

54. Капиталистик мамлакатларда эксплуатацияга, монополияларнинг зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун фидокор курашчи ишчилар синфига қардошлик саломи!

55. Мустамлакачилик зулмидан ҳалос бўлишга эришган ҳамда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардона курашаётган халқларга қардошлик саломи!

56. Империализмга, ирқчиликка ва янги мустамлакачиликка қарши, озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

Жаҳон халқлари! Зимбабве, Намибия, Жанубий Африка халқларининг ирқчилик режимларини батамом тугатиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашни кучайтиринг!

57. Империалистик монополияларнинг зўравонлигига қарши, реакция ва фашизмга қарши ўз мамлакатларининг эркини, мустақил, демократик ривожланиши учун мардона курашаётган Латин Америкаси халқларига оташин салом!

58. Фашист реакциясига қарши мардона курашаётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашлари ва демократларига қардошлик саломи!

Истибдодга қарши қаҳрамонона курашаётган Никарагуа ватанпарварлари ва демократларига қардошлик саломи!

59. Халқларнинг озодлиги, демократия ва социализм учун мард курашчилар — турмаларда ва фашист зиндонларида азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

60. Замонамизнинг уч асосий революцион кучи — жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг қудратли енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

61. Исроил агрессияси оқибатларини батамом тугатиш учун, арабларнинг манфаатларига зид сепарат битимларга қарши, Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига оташин салом!

Жаҳон халқлари! Араб халқларининг империалистик зўравонликка қарши курашини қўллаб-қувватлашни кучайтиринг!

Совет Иттифоқи ва араб мамлакатлари халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

62. Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада халқлари! Умумевропа кенгашининг якунловчи актини тўла-тўкис турмушга тадбиқ этилишига, Европа тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт қитъасига айлантирилишига сабот билан эришингиз!

63. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари учун, Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

64. Жаҳон халқлари! Қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун, янги жаҳон уруши хавфини тугатиш, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун курашни кучайтиринг!

Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги душманлари бўлмиш империализм ва гегемонизм, милитаризм ва реваншизм кучларининг кирдикорларини фош қилингиз!

65. Жаҳон халқлари! Куч ишлатмаслик халқаро муносабатларда қонун бўлиб қолишига, ядро қуроли эса абадий тақиқланишига эришингиз!

Нейтрон бомба, оммавий қирғин қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқариш планларига қатъият билан қарши чиқингиз!

66. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программасини амалга ошираверайлик!

67. Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

68. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК

БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

ЛЕНИНГРАД, 12 апрель. (ТАСС). Бугун Смольнийда «Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати оммасининг ижодий активлигини ривожлантириш ва янги кишини тарбиялашнинг қудратли воситаси» деган мавзудаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, фан ва маданият муассасаларининг масъул ходимлари иштирок этмоқдалар. Залда социалистик мусобақа ветеранлари, дастлабки беш йилликларнинг қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, ишчи-ёшларнинг вакиллари ўтиришибди. Қардош социалистик мамлакатлардан келган делегациялар ҳам шу ерда.

Конференцияни КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини конференция қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Табрикномани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов ўқиб эшиттирди.

Сўнгра конференция қатнашчилари «Социалистик мусобақанинг қудратли бунёдкорлик кучи» мавзундаги докладни тингладилар. Г. В. Романов доклад қилди.

Докладчи етук социализм шароитида мусобақани ривожлантириш учун Л. И. Брежневнинг асарлари жуда катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. У Ленинград партия ташкилотининг меҳнаткашлар ижодий активлигини ривожлантириш, КПСС XXV съезди қарорлари асосида мусобақа самарадорлигини ошириш, социалистисодий вазифаларни ҳал этишда унинг ролини кучайтириш соҳасидаги иш тажрибасига батафсил тўхталиб ўтди.

Нотиқ КПССнинг мусобақани ривожлантириш борасидаги ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий иши проблемаларига катта эътибор берди. Партия, деди у, мусобақага юксак ғоявийлик ва собитқадамлик, кенг кўлам ва уюшқоқлик бахш этмоқда.

АВЛОДЛАРНИНГ ЖОНЛИ АНЪАНАЛАРИ

Коммунистик шанбаликлар совет кишилари меҳнат зафарларининг таркибий қисми бўлиб қолган. Москва меҳнатчилари 60 йил муқаддам шу ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлган эдилар. Пойтахт темирйўлчилари 1919 йилда биринчи шанбалик ўтказишган эди. В. И. Ленин бу ташаббусни «Коммунизмнинг ҳақиқатдан бошланишининг куртаклари деб билди, омма ташаббусининг шу шаклини синчиклаб ўрганиш ва такомиллаштириш зарурлигини уқтирди. Шанбаликлар халқ хўжалигини ривожлантиришда, меҳнатга коммунистик муносабат туйғусини тарбиялашда катта роль ўйнади.

Буюк починининг шонли анъаналарини мамлакат меҳнатчиларининг авлодлари ривожлантириб, давом эттирмоқдалар. 12 апрель куни Союзлар уйининг Колонна залида партия, совет, касаба союз ва комсомол активларининг пойтахт корхоналари ва ташкилотлари коллективлари вакиллари билан биргаликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш буюк почининнинг 60 йиллигига, меҳнатнинг коммунистик шаклларини ривожлантириш вазифаларига, 21 апрель куни В. И. Ленин туғилган куннинг 109 йиллиги шарафига умумхалқ Коммунистик шанбалик ўтказишга бағишланди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин доклад қилди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга баланд руҳ билан мактуб қабул қилди. Йиғилиш иштирокчилари Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитетининг доно ички ва ташқи сиёсатини совет кишилари маъқуллаб, қўллабқувватлаётганликларини айтдилар. Москваликлар социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, экономика, маданият, фанни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришишга, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш ишига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга сўз бердилар.

Пойтахт меҳнатчиларига қарата чиқарилган мурожаатномада москваликларнинг 21 апрель куни шанбаликни аҳиллик ва уюшқоқлик билан ўтказишга, энг юксак унумдорликка эришишга, шу кунни чинакам коммунистик меҳнат байрамига айлантиришга аҳд қилганликлари билдирилган.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих иштирок этди.

(ТАСС мухбири).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

1978 йилда дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва уларни давлатга сотишда эришган катта муваффақиятлари ҳамда юксак шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми алоҳида ўрнак кўрсатган колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш, транспорт, мелиорация ташкилотларининг, «Госкомсельхозтехника» корхоналарининг ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимларини 1979 йил 12 апрелдаги Фармонларига мувофиқ СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотлади.

Фармонлар «СССР Олий Советининг ведомостлари»да, республика, ўлка ва область матбуотида эълон қилинади.

«СОЮЗ-33» КЕМАСИНИНГ ОРБИТАЛ УЧИШИ ТУГАЛЛАНДИ КОСМОНАВТЛАР РУКАВИШНИКОВ ВА ИВАНОВ ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

ТАСС АХБОРОТИ

«Союз-33» кемасининг халқаро экипажи: нкки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Николай Николаевич Рукавишников билан Болгария Халқ Республикасининг гражданн, тадқиқотчи-учувчи Георгий Иванов Иванов ерга қайтиб тушдилар.

«Союз-33» космик кемасининг тушириладиган аппарати 1979 йил 12 апрель Москва вақти билан соат 19 дан 35 минут ўтганда Совет Иттифоқи территориясининг белгилаб қўйилган районидаги Жезқазғон шаҳридан 320 километр жанубий-шаркда ерга қўнди.

Орбитадан тушишга ҳозирлик кўриш вақтида космонавтлар скафандрларни кийдилар, тушириладиган аппаратнинг герметиклигини текширдилар, кеманинг асосий системаларини контроль қилдилар. Сўнгра экипаж кеманн фазода мўлжал олдирди, Москва вақти билан соат 18 дан 47 минут ўтганда эса борт программа — вақт қурилмасининг командасига биноан резерв тормозланиш двигатель қурилмаси ишга солинди. Двигателининг иши тугагач, кема бўлмаларн бирбиридан ажралди ва тушириладиган аппарат пасайиш траекториясига ўтди.

Мўлжалланган қўйилган баландликда парашют системаси ишга туширилди, ерга бевосита яқинлашилган пайтда юмшоқ қўндириш двигателларн ишлай бошлади, шундан кейин тушириладиган аппарат оҳиста ерга қўнди.

Тун шароитида қидирув — қутқариш комплекси тушириладиган аппаратнинг тез аниқланишини ва космонавтларни қўнган районидан келтиришни таъминлади.

Ерга қўнганларидан кейин Рукавишников ва Иванов ўртоқларнинг саҳат-саломатлиги яхши.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатг сотиш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг шу йил биринчи квартал якунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Калинин район**ига (район партия комитетининг секретари Р. Қ. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Ҳ. Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Д. Ҳайдарқулова, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси С. Исмоилов ўртоқлар) берилди.

Бу район меҳнаткашлари биринчи кварталда давлатга гўшт сотиш топшириғини 129,3 процент, сут топшириғини 101,2 процент, тухум топшириғини 100 процент бажардилар. Гўшт ва сут етиштиришда, чорва моллари ва паррандалар сонини кўпайтиришда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда 1978 йилга нисбатан юксалишга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

13 апрель куни Тошкентда республика партия-хўжалик активининг аҳолига савдо хизматини яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётган корхоналари бўлган министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари таклиф қилинган эди.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Ҳудойбердиев доклад қилди.

Доклад ва нутқларда республикада савдо-сотиқни янада такомиллашганлиги ва ривож топганлигини кўрсатувчи факт ва рақамлар келтирилди. Айниқса қишлоқ жойларида товар оборотн тез суръатлар билан ўсмоқда, савдо корхоналарининг материал-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Молларнинг анчагина турларини сотиш кўпайди. Савдо хизматининг илғор форма ва методлари кенгроқ жорий этила бошлади. Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидланди йиғилишда, КПСС XXV съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет кишилари фаровонлигини муттасил ўстириш ҳақидаги йўл-йўриқлари ва тавсияларини муваффақиятли амалга ошириш натижасидир.

Бироқ, йиғилишда уқтириб ўтилганидек, аҳолига савдо хизматида ҳали бир талай камчиликлар бор. Кўплаб магазин ва умумий овқатланиш корхоналари товар оборотн планларини ҳали бажара олмаяпти, хизмат маданияти паст, моллар кўпинча омборларда ётиб қолади, савдо корхоналарининг ишлаш режимига риоя қилинмайди.

Халқ истеъмол молларининг сифатини яхшилаш суст бормоқда. Айрим саноат корхоналари шартномада ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бузмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати, Хива гилам комбинати ва Бухоро ип-газлама комбинати, Наманган ипаккашлик фабрикаси харидорлардан кўплаб қарздор бўлиб қолдилар. Аҳоли учун моллар ишлаб чиқараётган ва реализация қилаётган корхоналар ҳамда ташкилотлар талаб-эҳтиёжни ўрганиш билан етарли даражада шуғулланмайдилар, ўз ишларини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилмайдилар. Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланишлари ва мол етказиб берувчиларга актив таъсир ўтказишлари лозим.

Йиғилиш қатнашчилари аҳолини айниқса кундалик истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилашга доир масалаларга батафсил тўхталиб ўтдилар. Сабзавот ва меваларни ўз вақтида қайта ишлаш ва ғамлаб олишга, уларни янги мавсумгача сақлашни таъминлашга катта эътибор берилди. Матлубот жамиятлари бир қанча савдо ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлар ва бўрдоқичилик пунктларини тузиш соҳасидаги тажрибаси қайд қилиб ўтилди. Жумладан, аҳолига гўшт маҳсулотларини сотиш учун чорва молларни семиртиришни яхши ташкил этган Кўқон шаҳар озиқ-овқат савдо бўлимининг, Қува район матлубот союзининг иш тажрибаси намуна қилиб кўрсатилди.

Йиғилишда СССР Савдо министрининг ўринбосари И. Л. Давидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолликка кандидатлари М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитетининг сектори мудири В. А. Полиевктов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

АНЪАНАЛАР ДАВОМИ

Бир-бирига ёнбошлаган тоғлар қалин қор остида мудрайди. Ҳаммаёқ ҳудди улкан чойшаб ташлагандек оппоқ. Каримберднга бу манзаралар қадрдон. Ёз фаслида ҳам неча бор келган. У турган сой йўли айниқса ёзда ҳузурбахш бўлади. Ёзда кундуз куни тоғ салқинига қарамай ҳаммаёқ исиб кетади. Шунда мана шу сой бўйлаб юришни севади. Тоғ оралиғида бирдан осмонга учгандек сойча йўқ бўлиб қолади. Яна 200 метрча чамаси юрганингиздан сўнг яна ўша тошлар устида шўх жилвалаииб ҳарсангларнинг бирини босиб, иккинчисига бўй бера олмай пастга қараб югуради.

Бирдан юқоридоқдан гувуллаган товуш кишини сергаклантиради. Бу ерда уни муз шахтаси дейишади. Эни 15—20 метрлаб келадиган тоғ оралиғини муз қоплаган. Унинг таги ғорга ўхшайди. Ичидан эса тоғдан тушаётган муздек сув оқиб чиқади. Ёзнинг иссиқ кунида у ердан чиқаётган қор салқинига тўйган шабада кишига ором бахш этади. Ҳув юқоридаги қиличда кесилгандек тик улкан қоядан сув заррадари маржондек сочилиб туради.

Каримберди ҳаёлларга ихтиёр берган. Ён-веридан шувшув этиб учиб ўтиб кетаётган чанғичиларга эътибор ҳам қилмасди. Унинг ҳаёлида ҳаёти билан ана шу унга таниш бўлиб қолган бир парча табиат ўртасида қандайдир ўхшашлик бор эди.

Унга бошқа корхонадан янги иш таклиф этишди. Маоши бу ердагидан кўп. Яна бошқа имтиёзлар ваъда қилишяпти...

Каримберди Алимбоев 8-синфни битириб, Чирчиқ трансформатор заводига ишга келди. У токарлик касбини мактабда ўқиб юрган кезларидан севиб қолганди.

Орадан ярим йил ўтар-ўтмас ҳудди шу цехга ишга келди. Яхши мураббийнинг қўлида ҳунар ўрганди. Иккинчи разряд нормасини бажарди. Орадан икки йил ўтгач, Совет Армияси сафига чақирилди. Лекин устози Александр Яковлев билан мактуб олишиб турди. Йигитлик бурчини адо этгач, яна шу цехга қадрдон коллективга қайтди.

Ўша куни ҳеч қачон унутмайди. Токарлик станоги олдида коржома кийган бир қиз турарди. Нигоҳлар тўқнашди. Қиз ерга қаради. Шунда йигитнинг қалбида оловланган металлдек иссиқ нарса чарх ургандек бўлди. Шу-шу ўша дилбарни кўрганда қаяжонланадигаи, кўзларидан уйқуси қочадиган бўлиб қолди.

Гулнора ишга дастлабки келган кунлариданоқ, меҳнаткашлиги, чаққонлиги билан ажралиб турарди. Одоби эса унга яна ҳам гўзаллик бахш этарди. Икки ёшнинг бир-бирларига сирли нигоҳлари гўёки уларни янги зафарларга отлантирарди.

Каримберди Алимбоев индустриал техникумнинг металл ишлаш группасини битириб чиқди. 1975 ва 1977 йилларда «Социалистик мусобақа ғолиби» кўкрак нишони билан тақдирланди. 1977 йил Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғига муяссар бўлди. Худди шу йил Нева шаҳрида «Аврора» крейсерида расмга тушгани уни яна ҳам янги меҳнат уфқларига отлантирди.

К. Алимбоевнинг мазкур корхонада ишлаётганига эндигина 10 йил бўлди. Бу давр ичида ҳунарли бўлди, ҳаётий тажриба орттирди. Ҳалол меҳнати туфайли обрў-эътибор қозонди. Бундай ҳурматга эришишда тажрибакорлар сафидан ўрин олишида коллективнинг ғамхўрлиги ва ёрдами ҳаётилган шароит, аҳиллик алоҳида аҳамият касб этади.

Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек коллективдаги кўп йиллик жанговар анъаналарни ёшлар давом эттиришяпти. Мана ҳозир Каримберди Алимбоев бригадаси билан тоғ сайлида, тоза ҳаво, кўз илғамайдиган қорли чўққилар, шод-ҳуррамлик. Бу саёҳатга улар мусобақада ғолиб келиб эришдилар. Корхонада ишлаётган ёшлар ҳам бригадага бир қатор имтиёзлардан ташқари коллектив саёҳатга автобус берилади. Улар неча бор Оқтош, Чорвоқ ва бошқа табиатга бой, манзарали жойларда бўлиб ҳордиқ чиқариб, қайтишган. Намунали ҳордиқ ёки ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига таъсир этмай қолмайди. Мана беш йилдирки улар коммунистик меҳнат бригадаси номини сақлаб келишяпти.

Коллектив шу номга яраша иш тутмоқда. Турли рационализаторлик таклифлари билан чиқиб турипади. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишда ҳам қатор янгиликларнинг бошловчиси бўлишган. Бундан бир неча йил бурун токарь бир сменада 200—300 дона втулкани ишловдан ўтказса, ҳозир 700—800 втулка сифатли тайёрлаб бериляпти. Бригада аъзолари тайёрлаган деталлар биринчи кўрсатувданоқ қабул қилинмоқда. Илғор коллектив ўнинчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажаришга сўз берган.

Бригада аъзолари жамоат ишларида ҳам актив иштирок этишади. Каримберднинг ўзи цех комсомол ташкилоти бюросининг аъзоси, сиёсий-оммавий секторни бошқаради. Шу билан бир қаторда дружиначилар отрядининг командири ҳамдир.

— Яқинда смена созловчиси бетоб бўлиб қолди.— дейди цех бошлиғи Н. Шигай.— шунда одат бўйича яна Каримбердига мурожаат этдик. У ёш ишчилардан А. Екубов, Б. Нуришев, А. Маткаримовларнинг станокларини созлаб, кун бўйи кўз-қулоқ бўлиб турди. Қаранг, ҳам ўз смена нормасини оширнб бажарди, ҳам ёш ишчиларга ёрдам берди.

Бундай воқеалар Каримберднинг ишчанлигини, бошқаларга доимо намуна эканлигини яна бир бор исботлайди. Бу ҳислатлар йиллар давомида таркиб топди. Корхонада юксак унум билан ишлаш, бўш вақтларда намунали ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароит муҳайё. Худди бир оила аъзоларидек иноқлар. У қадрдон коллективдан қаёққа кетарди. Жонажон бригадасини янги чўққиларга бошлайди.

Гулнора билан турмуш қуришган. Гулдек икки фарзандлари бор. Гулнора Алимбоева сиртдан ўқиб, педагог касбини эгаллади. Каримберди орқали цех ҳаёти билан доимо таниш. Онлавий борди-келди қилиб турипади.

Каримберди ҳозир ҳудди ўша ёзда сой суви тошлар тагига сизиб кетадиган жойда турибди. Лекин сув ер остидан ўтиш қанча қийин бўлмасин, жонажон ирмоғидан давом этади. Ишончли, қадрдон ўзандан бориб кўпроқ об-ҳаёт олиб ўтади.

Б. ПЎЛАТОВ.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Ғалаба районидаги Калинин номли совхозга** (директори Ж. Омонов, партия ташкилотининг секретари А. Ғаффоров, ишчилар комитетининг раиси К. Жўлдасов ўртоқлар) берилди. Совхоз ишчилари давлатга гўшт сотиш бўйича квартал топшириғини 330 процент, сут топшириғини 124,9 процент бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда чорва моллари бош сонини кўпайтиришда ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда катта ўсишга эришилди.


Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига** (раиси Ю. Тўлаганов, партия ташкилотининг секретари М. Пўлатов, касаба союз комитетининг раиси А. Ғуломов ўртоқлар) берилди.

Колхоз чорвадорлари давлатга гўшт сотиш квартал топшириғини 274 процент, сут топшириғини 122,2 процент, тухум топшириғини 129 процент бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда, чорва моллари ва паррандалар бош сонини кўпайтиришда ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда анча ўсишга эришилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Калинин районига, Ғалаба районидаги Калинин номли совхозга, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.







Республикамиз илмий муассасаларида халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган кўплаб муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суратларда: (чапдан) Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Усимлик моддалари институтининг истеъдодли олими Н. Тўлаганов билан кичик илмий ходим Г. Сулаймонованлар лабораторияда. Пахта уруғчилиги ва селекцияси илмий текшириш институтининг лаборатория мудири Ф. Вбиктенок ва кичик илмий ходим Э. Шодраимов янги нав пахталарни кўздан кечирмоқдалар. Ўзбекистон энергетика ва автоматика институти тажриба майдонида. Ядро физикаси институти ходимларидан Ҳ. Яхёева билан А. Шохназарованлар пульт ёнида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

БУЮК ИШЛАБЧИҚАРУВЧИ КУЧ

ЭРТАГА — ФАН КУНИ

ХАЛҚ хўжалигининг ҳар қандай тармоғи илм-фанга таянади. Фан мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришда бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимизнинг илмий-техника тараққиётини ҳар томонлама ривожлантириш борасида белгилаётган муҳим тадбирлари туфайли фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси янада мустаҳкамланмоқда.

Серқуёш республикамизда ҳам бу соҳада кўп иш қилинди. «Ўзбекистон илмий муассасалари жаҳон олимлари билан энг муҳим соҳаларда илмий иш олиб бориш қобилиятига эга» деб ёзганида атом энергияси бўйича халқаро агентлик директори З. Эклунг ҳақ эди.

Бу йил биринчи марта нишонланаётган совет фани кунини ўзбек олимлари ҳам янги ютуқлар, ажойиб қашфиётлар ва улкан режалар билан кутиб олдилар. Қуйида фанимизнинг тараққиёт йўли, муваффақиятлари ва истиқболлари ҳақида мутахассислар ҳикоя қиладилар.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

Х. БОИМУҲАМЕДОВ —
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари.

ИЛМ-ФАННИНГ бағри кенг. Унинг ҳар бир соҳаси ва йўналиши ўзи бир дунё. Фан халқ хўжалигининг барча соҳаси хизматига тайёр. Илмий-техника тараққиёти авж олган ҳозирги кунда фан янги уфқлар очмоқда.

«Фундаменталь тадқиқотлар чашмаси доимо қулф уриб турмаса, фан-техника тараққиётининг жўшқин оқими қуриб қолишини биз жуда яхши биламиз» — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев. Ана шу жўшқин оқимда республикамиз илм-фан ходимларининг ҳам катта ҳиссалари бор.

Академиямизнинг олимлари, инженер-техник ходимлари барча куч ва имкониятларини фан ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишга, уларнинг самарадорлигини оширишга, фундаменталь тадқиқотлар савиясини кўтаришга қаратганлар. Ўтган йилда физика-математика фанларининг умумий аналитик функциялар, қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш, активацион анализ, қаттиқ жисмлар функцияси, техник акустика йўналишлари бўйича бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги фани ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Айниқса, пахтачилик равнақи билан боғлиқ тадқиқотлар ва кузатиш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Селекционер олимларнинг изланишлари яхши самаралар билан якунланмоқда. «Оқ олтин», «АН-508», «АН-Боёвут-2» каби навлар давлат нав синов комиссиясига топширилди. Ғўзанинг «АН-Ўзбекистон-2», «АН-Экспресс-2» сингари навлари ҳам ўзининг истиқболли экандлигини кўрсатади.

Мўъжизакор кимё фанининг янги соҳалари ривож топди. Полимерлар кимёси ва технологияси чуқур тадқиқ этилмоқда. Ўтган йили Тошкентда ўтказилган макромолекулар кимёси бўйича халқаро симпозиум («Макро-78»)да мўъжизакор фаннинг бу йўналиши атрофлича муҳокама қилинди. Назарий ва амалий кимё халқаро союзининг қарори асосида чақирилган бу улкан илмий йиғин ишида 20 дан ортиқ мамлакатдан олимлар қатнашдилар. Ўзбек кимёгар олимларининг тадқиқотлари кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди.

Умуман, пойтахтимиз Тошкент халқаро илмий анжуманлар ўтказиладиган шаҳарга айланиб қолди. «Биоорганик кимё ва молекуляр биологиянинг истиқболлари» мавзуига бағишланган халқаро симпозиум ҳам ўтган йилги муҳим илмий тадбирлардан бири бўлди. Ҳаёт фаолиятининг физикавий-кимёвий асосларига бағишланган мазкур йиғинга 20 мамлакатдан машҳур илм-фан аҳиллари таклиф қилинди.

Академиямиз олимлари 1978 йил давомида бажарган 150 га яқин ишга автторлик гувоҳномаси берилганлиги ҳаммани қувонтирди. Бу йил ҳам кўплаб тадқиқотлар ниҳоясига етказилади.

ЯҚИН ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

М. СУЛТОНОВ —
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари.

ОЛИЙ ўқув юртлари кўплаб малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан бирга чинакам йирик тадқиқот ўчоқларига ҳам айланган. Зотан, олий ўқув юртлари олимлари халқ хўжалиги турли соҳаларини янада юксалтиришни таъминлашга доир илмий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда актив қатнашмоқдалар.

Шу ўринда халқ хўжалик шартномаси бўйича амалга оширилаётган илмий ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг турли шаклларидан кенг фойдаланилмоқда. Олий ўқув юртларининг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтлари билан бамаслаҳат бажараётган тадқиқотлари айниқса яхши натижалар берди. Бундай ҳамкорлик узоқ муддатга мўлжалланган комплекс шартнома тузиш, йирик илмий ва илмий-техника программаларни биргаликда бажариш, моддий базалардан кенг фойдаланиш асосида ташкил этилмоқда.

Тошкент политехника институтида бажарилган илмий ишлар қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирди. Янги хил полимер плёнкаси ҳосил қилишнинг технологияси Оҳангарондаги пластмасса буюмлари комбинатида жорий этилди. Ижодий изланишлар туфайли йилига 300 минг сўмлик иқтисодий фойда кўриш мумкин бўлди.

Бурноғи йили институт олимлари хўжалик шартномаси бўйича 2 миллион 340 минг сўмлик иш бажаришди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида эса бу кўрсаткич янада юқори бўлди.

Ана шу мақсадда олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш тадбирлари кўрилди. Эндиликда йирик олий ўқув юртларида соҳавий ва проблемали лабораториялар ишлаб турибди. Яқин вақт ичида яна 30 га яқин янги илмий-тадқиқот лабораториялари очилади.

Тошкент Давлат университети олимларининг давлат бюджети тематикаси бўйича олиб борилаётган тадқиқотлари ҳам эътиборни ўзига тортади. Чунончи, ғўзанинг ҳусусий генетикаси проблема лабораториясида профессор Д. Мусаев раҳбарлигида кўп иш қилинди. Ғўзанинг генетик коллекцияси ҳам яратилди. Бундай коллекция ҳозирча иттифоқимизда ягонадир. Бу тадқиқот янги нав пахталар генетикаси ва селекцияси бўйича фундаменталь кузатишлар олиб бориш учун манба бўлиб қолди.

Коллектив фойдаланишга мўлжалланган олий ўқув юртлараро илмий-тажриба марказини барпо этишга киришилди. Бундай марказлардан иккитаси яқинда Тошкентда очилади. Тошкент Давлат университети билан Тошкент политехника институти улар учун база бўлиб қолади. Бу олий ўқув юртларидаги илмий-тадқиқот секторлари ўрнида янги тадқиқот ўчоқлари очилади.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ ОЛИМЛАР

П. НОСИРОВ —
ёш олимлар ва мутахассислар республика кенгашининг аъзоси.

ЁШЛИК — ижодкорликнинг сермаҳсул даври. Илмга чексиз меҳр қўйиб, олға интилаётган истеъдод эгаларининг фандаги роли беқиёсдир.

Кейинги йилларда ижодкор йигит-қизлар билан яқиндан иш олиб бориш, танланган мавзуларнинг аҳамиятли бўлишини таъминлаш йўлида муҳим тадбирлар белгиланди. Уларнинг фан-техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Ҳозир республикамизда фаннинг турли соҳаларида 16 мингдан ортиқ ёш олим фаол меҳнат қилмоқда. Илмий ижодкорларнинг ярмидан кўпи 33 ёшгача бўлган кишилардир. Жойларда ёш олимлар кенгашларининг кўплаб ташкил этилиши илмий ишлар самарадорлигини оширишда ижобий роль ўйнади. Бугунги кунда ҳар бир йирик корхона, муассаса ва ташкилот ёш ижодкорлар группасига эга.

Республикамизда илм-фан тараққиёти ютуқларида ёш олимларнинг муносиб улушлари борлигидан фахрланамиз. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам тадқиқотчи ёшлар томонидан муҳим ишлар бажарилмоқда. Улар Ангрен шаҳри корхоналарида бошқаришнинг автоматик системасини жорий этишни янада яхшилаш мақсадида ибратли ташаббус билан чиқдилар. Бу корхоналарда фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ёш олимлар, аспирантлар ва студентларга мукофотининг 1979 йилги лауреати унвонини олиш учун эълон қилинган конкурс рўйхатида бирлашма ходимларидан бир неча нишининг иши ҳам бор. С. Розиқовнинг «Рақам — частотали ҳисоблаш қурилмаларида аниқликни текшириш», А. Қобуловнинг «Эвристик алгоритмларнинг оптимал корректорларини синтезлашнинг мантиқий методлари», З. Афзаловнинг «Кескич билан металл ишлаш жараёнида аниқликни бошқаришнинг янги усуллари» каби тадқиқотлари шулар жумласидандир.

«Энг яхши лаборатория», «Илғор ёш олим» каби кўрик-конкурслар ғолиблари сони йил сайин ортиб бормоқда. Истеъдодли селекционер Э. Шодраимов «С-2606», «С-2607» нав пахталарни яратишда қатнашди. Қишлоқ хўжалик фани билан боғлиқ мавзуларда самарали қузатишлар олиб бораётган Р. Тиллаев, Т. Азизов, С. Алиқулов ва бошқа ёш олимларни эндиликда кўпчилик яхши билади. Ёш тадқиқотчи У. Эркаев илмий иши Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги илмий техника кенгашининг экономика секциясида муҳокама қилиниб, муносиб баҳоланди.

Комсомол ташкилотларининг жонбозлиги билан 50 га яқин тадқиқот муддатидан олдин муваффақиятли тугалланди ва қишлоқ хўжалигида жорий қилишга тавсия этилди. Шунингдек, ёш илмий ходимлар томонидан янги агрегатлар ишлаб чиқилди, 1200 та рационализаторлик таклифи киритилди. Бу эса давлатга 2 миллион 300 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирди.

ҚИШЛОҚ ҚАЛАМКАШЛАРИНИНГ БУРЧИ

Саккиз йилдирки, «Янгийўл» газетаси редакцияси ҳузурида ишчи ва қишлоқ мухбирлари университети фаол ишлаб турибди. Ўтган давр мобайнида университетни битириб чиққан қишлоқ қаламкашлари ҳозирги кунда район газетаси ва радиосининг актив мухбирларидирлар. Шу кунларда ҳам университет машғулотларида 20 тингловчи мухбирлик маҳоратини эгалламоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Янгийўл район ишчи ва қишлоқ мухбирлари слётида КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида қаламкашлар бажариши лозим бўлган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Докладчи «Янгийўл» газетаси редактори З. Қуртнезиров, музокарада қатнашган район радиоси редактори З. Ҳайдарова, У. Юсупов номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасига қарашли консерва заводи партия ташкилотининг секретари В. Величкин, 13-мактаб ўқитувчиси, жамоатчи мухбир Қ. Қудраева ва бошқа ўртоқлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, газета материаллари таъсирчанлигини оширишда, ранг-баранг мавзулар танлашда тўпланган тажрибалардан ғаширишди. Улар асосий эътиборни ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида қўйилган вазифаларни адо этишда ишчи-қишлоқ мухбирлари иштирокини таъминлашга қаратдилар.

Слёт қатнашчилари райондаги барча ишчи ва қишлоқ мухбирларига қарата мурожаат қабул қилдилар.



Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози чорвадорлари 1979 йилда гўшт ва сут етиштиришни кескин кўпайтириш учун ички резерв ва имкониятларни тўлароқ ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга жиддий эътибор берилаётир. 16 бош сигирни парвариш қилаётган моҳир соғувчи З. Бўронбоева ҳамкасблари орасида пешқадамлик қилаётир.

Х. Аввалов фотоси.

МАШЪАЛЛАРГА ТЕНГЛАШАМИЗ

Пойтахт областининг бир группа илғор чорвадорлари қарамоқларидаги сигирлардан 5000—6000 килограммдан сут соғиб олиш, ўнинчи беш йиллик планнинг уч ярим-тўрт йилда бажариш ташаббусини бошлаб берганларидан сўнг бу ватанпарварлик ҳаракати ҳамма ерда кенг қулоч ёйди. Область партия комитети маъқуллаган ибратли ташаббуснинг ўнлаб издошлари ошкрилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишиб, ўзаро меҳнат беллашувини қизитиб юборганлар.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг тажрибали сут соғувчиси Турғуной Серикбоева ҳам касбдошлари ташаббусига қўшилишга қарор қилди. У ўтган йили ҳар бир сигирдан 6038 килограммдан сут соғиб олиб, областда пешқадамлар сафидан ўрин олган эди. Бу йил эса сигирларнинг ўртача маҳсулдорлигини 6050 килограмм га етказишга сўз берди. Қуйида Турғуной СЕРИКБОЕВА билан суҳбат берилди.

— Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Анастасия Ивановна Чудная билан Мунаввар Исоқоваларнинг номи бугунги кунда бутун мамлакатга маълум ва машҳур. Уларга тенглашиш осон эмас. Аммо, улар билан басма-бас мусобақалашиб ишлаш, тенглашишга интилиш катта фойда беради. Ҳар бирининг иш тажрибаси биз учун алоҳида мактабдир. Масалан, Анастасия Ивановна 170 бошдан зиёд сигирни якка ўзи эплаб парвариш қиладн. Мунаввар эса сигирлардан кўп сут соғиб олиш устаси. У областда биринчилар қаторн 6250 килограммли марраии эгаллаган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш ҳамда 1979—80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» ғи қабул қилинган қарори менга кучли далда бўлди. Фермамиз коллективи билан биргаликда қарорни чуқур ўрганар эканмиз, мен учун иккиланишга ўрин қолмади. Бу муҳим ҳужжатда баён этилган фикрлар, кўрсатилган йўл-йўриқлар фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни аниқлашда катта ёрдам берди.

Кейинги уч-тўрт йил ичида фермамизда катта ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, молларнинг зоти тўпла яхшиланди. Ҳозир фақат қора-ола зотли сермаҳсул сигирлар парвариш қилинмоқда. Шунинг учун ҳам фермамиз наслчилик фермаси, деб юритиладиган бўлди. Ҳар йили бошқа хўжаликларга 50—60 бошдан зотли ғунажинлар сотилаётир. Натижада, чорвачилик совхозга салмоқли фойда келтирадиган рентабелли соҳага айланиб қолди.

Шу йилнинг биринчи кварталн якуни ҳам фермада сут етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратилганлигини кўрсатди. Мавжуд 206 бош сигирдан топшириқдаги 200 тонна ўрнига 204 тонна сут соғиб олинди. 1978 йилнинг шу даврндагига нисбатан 20 процент ўсишга эришилди. Ушбу рақамларни таҳлил қилсак, фермамиз коллективининг 1979 йилда ҳар бир сигирдан ўртача 4000 килограммдан сут соғиб олиб, жами 842 тонна сут етиштириш юзасидан олган мажбуриятини сўзсиз бажаришига ишонч ҳосил қиламиз. Дастлабки уч ой якуни бўйича соғин сигирларнинг ўртача маҳсулдорлиги 990 килограммга тенг бўлди. Биринчи квартал сигирлар сутининг камайган даври эканлигини ҳисобга олганда бу ҳисоблайдиган бўлсак, бир кунда 540 килограмм омухта ем, 3600 килограмм барда, 540 килограмм қипиқ, 360 килограмм беда хашаги, 5400 килограмм силос, 1800 килограмм сенаж, 180 килограмм кунжара, 360 килограмм маккажўхори дони (сўтаси билан қўшиб майдалаб берилади), 360 килограмм беда уни серфланади.

Жамғарилган озуқа запасига қараб ана шундай аниқ ҳисоб-китоб асосида тўйимли рацион белгиланаётгани учун қиш ойларида ҳам сут соғиб олиш кўклам ва ёзгагидан камаймайди. Бинобарин, мустаҳкам озуқа базасига эга бўлмай туриб, бундай даражага эришиб бўлмайди.

Совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари озуқа экинлари учун кўпроқ ва унумдор ерлар ажратиб бериш, ҳосилдорликни ошириш учун минерал ва органик ўғитлар билан тўла таъминлашда чорвадорларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Ҳозир озуқа экинлари майдони 243 гектарга етказилди. Ҳар йили 60 гектар ерга силос учун, 50 гектарга дон учун маккажўхори, 13 гектарга лавлаги экилади. 140 гектар бедазорнинг 30 гектари ҳар йили бузилиб сабзавот учун қолдирилади ва шунча майдонда янги бедазор ташкил этилади.

Фермамизда қўл кучи билан бажариладиган ишлар кескин камайди. Озуқа тайёрлайдиган цех мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда ҳар куни силос билан сенажни ҳисобга олмаганда 11 тоннага яқин озуқа тайёрланади. Дағал хашак аввал майдаланиб, буғланиб, сўнгра омухта ем, барда, кунжара, беда уни ва бошқа витаминли моддалар аралаштирилиб моллярга берилади. Бундай хушхўр озуқадан нушхўрд чиқмайди.

Бир сўз билан айтганда фермамизда сут етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўзаро меҳнат беллашувини кенг авж олдириш учун қулай шароит вужудга келтирилган. Шунинг учун ҳам эндиликда илғор сут соғувчилар сафи кенгайиб бораётир. Тажриба алмашиш, маҳоратларини оширишда ёшларга кўмаклашиш, озуқа цехлари ишини назорат қилиб бориш ва озуқанинг исроф бўлишига йўл қўймаслик каби ҳаракатлар ўз самарасини бераётир.

Илғор сут соғувчиларга тенглашиш учун курашаётган касбдошларим кўпайиб бормоқда. Жумладан, Фотима Содиқова шу йилнинг биринчи кварталини яхши кўрсаткичлар билан якунлари. Қарамоғидаги 26 бош сигирдан 24903 килограмм, яъни ҳар бир сигирдан ўртача 960 килограммдан сут соғиб олди. Кўриниб турибдики, у бу йил 98800 килограмм сут соғиб олиш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятини анча ортиғи билан бажаради. Чунки, боқимидаги соғин сигирлар маҳсулдорлигини ўтган йилнинг шу даврндагига нисбатан 286 килограммга кўпайтиришга эришди.

Яна бир касбдошим Алҳа Исроилова ҳам бу йил пешқадамлар сафида бораётир. У биринчи кварталда ҳар бир сигирдан ўтган йилдагига нисбатан 150 килограммдан кўп сут соғиб олди.

Мен бу йил 27 бош сигирни парвариш қилмоқдаман. Биринчи кварталда уларнинг ҳар биридан 1600 килограммдан сут соғиб олдим. Бу ўтган йилдагига нисбатан 288 килограмм кўп. Бундан буён маҳсулдорликни янада ошириб бориб, зиммамга олган юксак социалистик мажбуриятимни сўзсиз бажараман ва машъалларга тенглашаман.

ТАШАББУС ИЗИДАН

АҲОЛИ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш бўйича область Советининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда аҳоли турмуш маданиятини ошириш бўйича республика Советининг тавсиялари асосида областдаги даволаш муассасалари, санаторийлар, профилакторийлар ва дам олиш уйларида оналар ва болаларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Кенгашда область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **Б. У. Тошбеков**, касаба союзлари курортлари бошқармаси республика Советининг раиси **К. Ф. Незнамова**, область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Браиловнинг** ахборотлари тингланди ва муҳокама этилди.

Кейинги вақтларда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этишни яхшилаш борасида бирмунча ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Туғруқхоналар ва уларнинг ёрдамчи муассасаларни моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ҳозир областда еттита мустақил болалар шифохонаси, 6 та туғруқхона, 34 та болалар ва 33 та туғруқхона бўлимлари мавжуд. Ҳозир ҳар йили 80 минг бола ва 70 минг онага малакали стационар ёрдами кўрсатиш имкони бор.

Аёллар ва болаларга ихтисослашган медицина хизмати кўрсатиш яхшиланаяпти. 1978 йилда 4 та ихтисослашган болалар бўлимлари ташкил топди. Тўртта районда ҳомиладорлар учун патология палаталари очилди. Қўшимча 20 та педиатрия участкалари, болалар поликлиникалари қошида ёттита махсус мутахассислик кабинетлари очилди. Янгийўл шаҳрида ҳар бир сменада 250 кишини қабул қилувчи янги типдаги аёллар консультацияси ишлаб турибди.

Аёллар ва болалар овқатланишини яхшилашга эътибор кучаймоқда. Областимизда болалар учун 12 та сут маҳсулотлари ошхонаси очилган. Шаҳар ва районлардаги йирик озиқ-овқат магазинларида болаларни овқатлантириш бўлимлари ташкил этилган. Туғруқхоналарда аёлларни санатория нормалари бўйича овқатлантирувчи 350 та ўрин ажратилган.

Санатория типидаги 7 та болалар боғчаси ташкил этилди. Тўртта болалар санаторияси доимий равишда фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларни соғломлаштириш мақсадида ёз пайтларида санатория типидаги бешта пионер лагерлари ташкил этилди.

Шу билан бирга аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза этиш ишида жиддий камчиликлар бор.

Болалар ва оналар учун ўринлар, педиатр-врачлар ва акушер-гинекологлар билан таъминлаш кўрсаткичлари ҳанузгача паст.

Айрим соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши суст олиб борилмоқда.

Оҳангарон, Янгийўл, Галаба, Тошкент, Чиноз районларида сут маҳсулотлари ошхоналари ташкил қилинмаган. Кўплаб йирик саноат корхоналари ўз санаторий, профилакторий, пионер лагерлари, дам олиш уйларига эга эмаслар.

Кенгашда аҳоли турмуш маданиятини ошириш бўйича область советининг раиси, Тошкент область партия комитети биринчи секретари М. М. Мусахонов сўзлади.

Область даволаш муассасалари, санаторий, профилакторий ва дам олиш уйларида оналар ва болаларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан Совет тавсиялар қабул қилди.

АЪЛОЧИЛАР СЛЁТИ

СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби ҳар йили Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа иттифоқдош республикалар учун кўплаб кадрлар етказиб бераётир. Мактаб ташкил этилгандан бери кўплаб юқори малакали мутахассислар тайёрланди. Улар Ватанимизнинг турли бурчакларида ишламоқдалар. Жиноий қидирув, БХСС, тергов, жамоат тартибини сақлаш бўлимларида самарали ишлашмоқда.

Мактаб ташкил этилганлигининг 21 йиллиги арафасида ўқув аълочиларининг иккинчи слёти бўлиб ўтди. Слётни мактаб бошлиғи, юридик фанлари доктори, ички хизмат генерал-майори Т. А. Жалилов кириш сўзи билан очди. Нотиқ бугунги аъло ўқув—жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги эртанги ишнинг самарали бўлишида бош мезон эканлигини таъкидлаб ўтди. Мактаб бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Н. И. Ожиганов доклад қилди.

Ўқув аълочиларини Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари У. А. Сайдаматов, Кокчатов области Куйбишев районининг ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари А. С. Винокуров табрикладилар.

Сўзга чиққан тингловчилар Б. Зокиров, В. Алексеенко, Т. Сатторов ва бошқалар аъло ўқишга барча имкониятлар яратилгани учун миннатдорчилик билдиришди.

Слётда аъло ўқиганликлари ва Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлашда фаол қатнашганликлари учун Х. Ҳамидов, А. Чередниченко, Б. Зокиров, В. Тахтин ўртоқларга ЎЛКСМ Марказий Комитетининг «Жамоат тартибини сақлашдаги фаол ишлари учун» нишонлари берилди.

Слёт қатнашчилари мактабнинг барча тингловчиларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Р. ХОШИМОВ.

КАМОЛОТ

ЗАВОДДА меҳнат симфонияси авжида. Улкан дастгоҳларнинг шовқини, темир-терсакларнинг жаранги бутун корхона ҳовлисини тутган. У ер-бу ерда пайвандчилар ускунасидан чиқаётган нур ёлқини кишн кўзини қамаштиради. Давлат Эргашев бошлиқ бригада коллективи шу ерда йиғма темир-бетон конструкциялари тайёрлаш учун зарур бўладиган арматуралар ишлаб чиқармоқда.

— Бригадамиз коллективи 1979 йилнинг биринчи квартал планини СССР Олий Советига сайловлар кунигача бажарди,— дейди фахр билан бригадир.— Эндиги вазифамиз умуман ўнинчи беш йиллик планини якин келгусида бажариб, 11-беш йиллик ҳисобига ишлашдан иборат.

Давлат Эргашев ўз сўзининг устидан чиқадиган бригадирлардан. 8-темир-бетон буюмлари заводида ўн йилдан буён ишлаб келмоқда. Завод коммунистлари уни мамнуният билан ўз сафларига қабул қилганлар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

БЕЛГРАД, 12 апрель. (ТАСС). Белград яқинидаги Нованазова деган жойда совет станоксозлигининг доимо ишлаб турадиган маркази очилди. Югославия саноат корхоналарининг инженерлари ва техниклари бу ерда совет станоксозлигининг кўпгина намуналари билан танишишлари мумкин.

«СССРда ясалган» деган тамга қўйилган станоклар энг йирик машинасозлик корхоналарида гоят манзур бўлди ва Социалистик Югославияда харидоргир бўлиб қолди.

УГАНДАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ЛОНДОН, 12 апрель. (ТАСС). Чет эл информация агентликларининг Кампаладан берган хабарларига кўра, Танзания армияси билан И. Амин ҳукуматига қарши чиқаётган Уганда миллий озодлик фронти кучлари контролига ўтган Уганда пойтахтида айрим қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Фронт ижроия кенгашининг раиси Юсуф Луле Дорус-Салом радиоси орқали «Уганда халқига мурожаат» этди. Унда у Уганда муваққат ҳукумати тузилганлигини эълон қилди. Илгари Макерередаги университет коллежининг вице-канцлери бўлган Ю. Лулеиинг ўзи бу ҳукуматда бош министр, мудофаа министри ва фронт қуролли кучларининг бош қўмондони лавозимларини эгаллаган. Янги ҳукумат дейилади мурожаатда, «Уганданинг қўшинларн ва қолган бутун дунё билан дўстона муносабатларни тиклашга» тайёр шароит имкон бериши биланоқ Угандада ялпи сайлов ўтказилади.

Бутун Дорус-Саломда шу ҳукуматнинг биринчи мажлиси бўлди. Яқин кунларда у Уганда территориясига кўчиб ўтмоқчи.

Айни маҳалда хабар бериладики, Угандадаги радиостанцияларидан бири орқали президент И. Амин гапириб, ўзига содиқ қўшинларни оппозициячи кучларга қарши урушишни давом эттиришга даъват қилди.

ПЕКИН ИГВОГАРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ҲАНОЙ, (ТАСС). Ханой газеталари Пекин маъмурларининг социалистик Вьетнамга қарши игвогарликни кучайтириб юборганлигига эътиборни жалб этмоқдалар. Хитой қўшинлари ҳали ҳам Вьетнам территориясининг ва ВСРнинг шимолий вилоятларидаги бир қанча участкаларини ҳамон оккупация қилиб, у ерда ҳарбий инженерлик иншоотларини қурмоқдалар. Жуда кўп Хитой қўшинлари чегарага тўпланмоқда, Вьетнам территориясини тўплардан ва миномётлардан ўққа тутиш давом этмоқда.

Матбуот бу агрессив ҳаракатларга ва игвогарликнинг давом этишига Пекинниинг инкала мамлакат ўртасида тарихан таркиб топган чегара чизиғини ўзгартиришга, муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида Вьетнам билан Хитой ўртасида музокаралар бошланиши арафасида Вьетнамга тазйиқ қилишга уриниш, деб баҳо бермоқдалар. Бу музокаралар ВСРнинг самимий хохиш-иродасига биноан 14 апрелда Ханойда бошланиши керак. Бу ерда шунингдек игвогарлик ҳаракатларининг кучайтирилиши Пекин гегемончиларининг яна Вьетнам территориясига босиб кириш учун тайёргарлик билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин, деб уқтириб ўтмоқдалар.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон нефтчилари март ойида тамом бўлган 1978—1979 молия йилида 12,5 миллион тонна нефть қазиб чиқардилар. Бу — ўтган молия йилидагидан 1,8 миллион тонна ортиқдир.

Ўтган йили қидириб топилган «қора олтин» запаслари 311 миллион тонна, табиий газ запаслари эса 39 миллиард кубометр ортди.

Ҳиндистоннинг нефть қазиб чиқазиш саноати нефть ва табиий газ масалалари билан шуғулланувчи давлат комиссиясининг актив иш олиб борганлиги туфайли шундай муваффақиятларга эриша олди. Бу комиссия ўтган йили мамлакатга 9,6 миллион тонна нефть тайёрлаб берди.

Ҳиндистондаги нефть бойликлари Совет Иттифоқи билан маҳкам ҳамкорликда ўзлаштирилмоқда. Совет геологлари Ҳиндистон геологлари билан биргаликда йигирма йил мобайнида қирққа яқин нефть ва газ конларини, шу жумладан Бомбай кўрфазидаги энг истиқболли конларни топдилар.

СССР Ҳиндистонга пармалаш машиналарини етказиб бермоқда, нефть қазиб чиқазувчи малакали кадрларни тайёрламоқда.

РАНГУН. Пойтахтда министрлар кенгаши мувофиқлаштириш комитетининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда 31 мартда тамом бўлган 1978—1979 молия йилида Бирма экономикасини ривожлантириш планининг бажарилиш якунлари муҳокама қилинди. Бош министр У Марунг Маунг Кха ўз нутқида бундай деди: Бирма меҳнаткашлари ўтган йил план топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

Мажлисда 1979—1980 молия йилида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш планини бажариш учун моддий-техника базаси билан таъминлаш юзасидан конкрет чоралар ишлаб чиқилди.

РАБОТ. Геология масалаларига бағишланган миллий илмий конференция ўз ишини тамомлади. Бу конференцияда Марокаш геологларидан ташқари, ўндан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан Совет Иттифоқининг олимлари ва мутахассислари қатнашдилар.

Марокаш энергетика ва минерал ресурслар министри М. Саади конференция ишларини якунлаштириб, табиий бойликларни тадқиқ этишда Марокашга ёрдам бераётган совет геологларига самимий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қилди. Марокаш раҳбарлари ва мутахассислари Марокашнинг совет геологлари туэиб чиққан фойдали қазилмалар картасига юксак баҳо бердилар. Бу карта конференциянинг иш кунларида намойиш қилинди. Марокашликларнинг фикрича, ана шу карта мамлакатда геологияни ривожлантиришга қўшилган қимматли илмий ҳиссадир.

(ТАСС, 12 апрель).



ПЕКИН ҳукмдорлари жинояткорона агрессияни давомида Вьетнам қуролли кучлари душманнинг ўн минглаб солдатларини ишдан чиқардилар, кўплаб асир ҳамда ҳарбий техникани қўлга олдилар. Суратда: асир олинган Хитой солдатлари. ВИА—ТАСС фотоси.

ЖЎШҚИН ҚАЛБ ТАРОНАЛАРИ

Унинг дилрабо ғазаллари, жўшқин қалб тароналари шеърнят мухлисларига анча вақтдан буён таниш. Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашрнёти яқинда унинг «Уфқ чорлайди» деган янги ғазаллар тўпламини азиз китобхонларга тақдим этди.

Қуёш шаънига шеър
айтсам,
Дили юрт меҳри-ла
банд, денг,
Гар уммон қудратин
битсам,
Элин қуйлайди фарзанд,
денг.

Бу она Ватан меҳри билан шеър битган шоир Ўлмас Жамолдир. Унинг тўпламга кирган ғазалларига эътибор қилсак, уларнинг аксарнятн бахтли ёшлик, озгу ниятлар, садоқатли муҳаббат, қуёшли днёр истиқболига бағишланган тароналардир.

Ўлмас Жамол қардош Тожикистон ССР пойтахти Душанбеда туғилган. Шу ерда улгайиб, шу ерда адабиёт гулшанига қадам қўйган. У ерда ўзбек тилида чиқиб турган «Совет Тожикистони» газета редакциясининг адабиёт ва санъат бўлимнни бошқариб келмоқда. СССР ёзувчилар союзининг аъзосидир.

«Уфқ чорлайди» тўпламн шоир ижодидан кичик бир гулдастадир. Унда муаллифнинг ўттизта ғазали жой олган. «Ғазал бир шеваки» деган сўз билан бошланган илк шеърида қалам соҳиблари ўз китобхонларини мамнун айлаб, уларнинг юксак эстетик дидларига муносиб асарлар тухфа этишлари учун «гавҳар, дур, тергуси маъний буюк уммонидан» деб уқтириб ўтади. Ўн мисрадан иборат бўлган бу ғазалда шоир қалбининг дилрабо оҳанглари баралла янграб турибди.

Днёр кўрки, ҳаёт тароватининг оромбахшлиги шоир қалбига илҳом бағишлайди. У гуркираб, яшнаб бораётган она днёримизда «баҳор, гул, мавж ила офтоб одамдек тилга киргайлар» деб тасвирлайди. Бу лирик мисраларда табаррук заминнинг навбаҳор ҳусниға ҳуси қўшган бахтиёр, кўли гул инсон қудрати, унинг бахт-саодати ўзининг ёркин ифодасини топган.

Ўлмас ёшлик куйчиси, комсомол шоири. У Ватанимизнинг миллион-миллион ёшлари сингари буюк қурилишларда иштирок этган, улар ҳақида жўшиб-жўшиб куйлаган навқирон қалам соҳибидир. Ўлмас 1957 йилда Душанбедаги Тожикистон Давлат университетининг тарих-филология факультетини муваффақиятли тугатганидан кейин Шарқий Қозогистон областининг қўриқ ва бўз ерларига студент ёшлар отряди билан галла ўрим-йиғимига боради. У ерда фидокорона меҳнат қилиб, ўзининг толмас ғайрати, яхши ҳулқ-одоби билан дўстлари орасида катта ҳурмат қозонади. Қўриқ сафари унда умр бўйи унитилмас таассуротлар қолдиради, олтин бошоқ бунёдкорларига бағишланган ажойиб шеърлар ёзади. Афсуски, тўпламга қўриқ баҳодирлари, табаррук заминни гул-гул яшнатган миршкор, қаҳрамон замондошларимиз ҳақидаги шеърлари киритилмаган. Тўплам ғазаллар мажмуасидан иборат бўлиб қолган. Ҳар бир тўплам шоирнинг кейинги ижодий йўли тарихидан сарҳисоб берувчи гулдастадир. Бу гулдастада бўстоннинг ҳар бир гули бўлиши керак. Унда қўриқ ғунчалари ҳам қулф урганда нур устига нур бўларди.

Тўпламга кирган бошқа ғазаллар ҳам инсон эътиқодининг улуғ тантаналарига, истиқбол йўлларидаги эзгу ниятларининг камол топиб, умрга гўзаллик бахш этаётганлиги куйланади.

Ўлмас ғазал битиб, унга сўз инжуларини терар экан, бир-бирига интиқ бўлган икки дил мадҳияси билан чегараланиб қолмайди. Ошиқлар ҳаётн Ватан қалби билан ҳамнафас эканлигини уйғун ҳолда кўради.

Жон ширидир, жон азиз,
Жондан гўзал жонон азиз,
Жону жонондан вале
Иўқлаб келар меҳмон
азиз.

Энг азиздан азиз
Халқим учун парвоначи,
Чунки у қашф айлаган
Монанди йўқ даврон азиз.
Найлагай ердим Ватансиз
Мен бу даврон лаззатин
Ҳур днёр бирла ҳаётсиз
Нозу неъмат, нон азиз.

Бу мисраларда катта ҳаёт меҳру тароватн, азиз халқи, гўзал даврони, табаррук Ватани шоирнинг илҳом сарчашмаси бўлган. Илҳом париси муҳаббат париси қошида парвона бўлиб, унинг мадҳу саноси билан ўз мадҳиясини тугаллаши мумкин эди. Лекин шоир илҳом парисини қанот ёзган жаннат макондан ажралган ҳолда кўрмайди. Жонон ҳам, унн висолга етаклаган атрофдаги илҳом ҳам бир-биридан ажралмас эканлигини тушунади.

Тўпламга кирган бошқа шеърлар ҳам шу ҳилда ёр ва муҳаббат, днёр ва садоқат мавзуларидаги асарлардир. Улар меҳр билан, жўшқин қалб билан ёзилган. Шеъриятимизнинг қадимий, аруз формасида қалам тебратиш эзгу ишдир. Бу соҳада Ҳамза Ҳакимзода, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла ажойиб дурдоналар қолдирган. Бу шеърий усулда Ўзбекистон халқ шоирлари Уйғун, Ҳабибий, Чархийлар, аруз ғазалхони Восит Саъдулла, талантли, қўшиқлари эл қалбидан жой олган Эркин Воҳидов, Жамол Камоллар ҳам аруз услубида ажойиб дурдоналар яратганлар. Уларнинг ижоди аруз йўлида қалам тебратаётган ижодкорларга намуна бўлади.

Биз «Уфқ чорлайди» тўпламнн китобхонларга тақдим этган нашриёт ва муаллиф яхши туҳфа тайёрлаганликларини қайд этиб, шоирга ғазалларини янада мазмунли ва сайқалда бекиёс бўлиши учун ўз устида кўп меҳнат қилишини, азиз китобхонларни ҳамиша тўлқинлантирадиган ғазал мулкининг бўстонини янги гуллар билан безатадиган илҳом туҳфаларини тақдим этишини истардик.

НАЗАРМАТ.

ТАҚРИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Шанба САҲИФАСИ

МУАЛЛИФЛАРНИНГ БИРИНЧИ ФИЛЬМИ

«Ўзбекфильм» киностудиясида суратда олинган янги бадиий фильм «Тиниқ булоқ» деб аталади. Бу асарда ўсмирлар характерининг шаклланиши ҳикоя қилинади. Уларнинг кутилмаган воқеалар билан юзма-юз келишлари, ҳаётга жиддий муносабатда бўлиш фазилатлари ва ҳақгўйликлари асар мазмунини ташкил этади. Янги фильм Жасур Исоқов сценарияси асосида суратга олинди. Бу авторнинг Олий сценарий курсини битирганида ёзган диплом ишидир. Постановкачи режиссёр Аҳрор Ақбархўжаев ҳам «Тиниқ булоқ» фильмини яратиш билан биринчи марта катта бадиий ишга қўл урди.

Фильмдаги асосий ролларда Ҳикмат Латипов, Ҳамза Умаров, Ойдин Норбоева, Ҳусан Шарипов каби таниқли актёрлар билан бирга Ў. Маҳкамов, А. Абдувоҳобов, Ж. Юсупов каби ёшлар ҳам иштирок этишган.

М. ЗАРИПОВ.

МОСКВАДАН ХАТ

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонида мамлакатимиз кўриқхоналари ва ёдгорлик жойларига бағишлаб ташкил этилган экспонатлар «Табиатни муҳофаза қилиш, ов ва СССРнинг овчилик хўжаликлари», деб номланади. Кўргазма залларидаги ранг-баранг материаллар киши диққатини ўзига жалб қилади. Улар табиатни муҳофаза қилиш ҳамиша Совет ҳукумати диққат марказида турганлигидан далолат беради. Айниқса, бу соҳада ўнинчи беш йилликда қўлами жиҳатидан анча кенг ишлар амалга оширилмоқда.

Кўргазма залларидаги расмларнинг бир қисми Ўзбекистон ССРнинг қўриқхоналари ва ёдгорлик жойларига бағишланган. Республикада 12 та давлат қўриқхонаси ташкил этилган бўлиб, улар асосан тоғлик, саҳро зоналарни ишғол қилади. Бу қўриқхоналар ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ҳамда табиат ёдгорликларини асл ҳолида сақлашдек муқаддас вазифани йил сайин муваффақиятли адо этиб келаётир. Қизил китобга киритилган бир қатор ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар қўриқхоналар назоратидадир.

Кўргазма материаллари орасида Тошкент области территориясидаги Чотқол тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси алоҳида қизиқиш уйғотади. 35 минг гектар майдонни ишғол қилган қўриқхона асосан тоғли зонага жойлашган. Унинг энг қуйи нуқтаси денгиз сатҳидан 1100 метр, энг юқори нуқтаси эса 4 минг метр баланддадир. Бу ерда игна баргли дарахтларнинг, жумладан биргина арчанинг уч турини кўплаб учратиш мумкин. Бундан ташқари кенг япроқли дарахтлар ҳамда ёввойи мевали дарахтлардан тоғ олчаси, олма, маймунжон катта майдонларни эгаллаган.

Қўриқхонада ёввойи ҳайвонларнинг ноёб коллекцияси тўпланган. Бу ерда барс, айиқ, эчки, тўнғиз, буғи ва бошқа кўплаб ёввойи ҳайвонлар бор.

Қўриқхона ходимлари табиатдаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш мақсадида экологик доимий синаш майдони ташкил этдилар. Бу ерда мавжуд ҳайвонларнинг мунтазам ҳисоб-китоби олиб борилади. Илмий-тадқиқот ишлари ўтказилади.

Ўзбекистон қўриқхоналарига бағишланган материаллар ранг-баранглиги, қизиқарлилиги билан кўплаб томошабинларни ўзига жалб этаётир.

М. ЛАРКИН,
Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси методисти.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЧУМОЛИ — меҳнаткаш жонивор. Бироқ, улар орасида ҳам ишёқмаслари бўлар экан. Жумладан, «амазонка» — чумолилар фақат «аскар»лардан иборатдир. Босқинчи «аскар»лар бошқа оилага мансуб чумолилар уясига бостириб киradилар ва уларнинг ғумбакларини «асир» қилиб оладилар. Бу ғумбаклар чумолиларга айлангач, «аскар»лар уларни ишлатадилар — уя қурдирадилар, озиқ топиб келгани юборадилар.

* * *

АСАЛАРИ азалдан инсоннинг дўсти ҳисобланади. Чунончи, қадимий Мисрда бундан минг йилларча аввал уй асаларилари бўлган. Тахминан 3 минг йил бурун Мисрда ҳукмронлик қилган Тутанхамон сағанасидан топилган асал солинган идиш бунинг далилидир. Унда шундай ёзувни ўқиш мумкин: «Бешинчи йил, Тутанхамон уйининг асали».

* * *

ЯҚИНДА Чикагода аломат тажриба ўтказилди. Кинотеатрда фақат маймунлар учун фильмлар кўрсатилди. Буни қарангки, маймунлар умуман ҳайвонлар, айниқса ўзлари ҳақидаги фильмларни зўр қизиқиш билан томоша қилар эканлар. Бироқ экранда ўзларининг ашаддий душманлари — илонлар пайдо бўлиши билан маймунлар қичқирганча зални ташлаб қочдилар.

* * *

АЛЬП ва Саҳрои Кабирда топилган кояга чизилган антеннали скафандрга ўхшаш бош кийимли одамлар сири ҳанузгача муаммо бўлиб келаётир. Баъзи археологлар уларни, фазовий қўшниларимиз қачонлардир Ерда бўлганлар, деган фараз билан «марсликлар портретлари» деб атамоқдалар. Бордию, шундай бўлса, у ҳолда ўшандай расмларнинг Самарқанд атрофидан топилишини қандай изоҳлаш мумкин. Самарқанд «портрет»ларида ҳам тепасида таёқчалари бўлган катта скафандр кийган одам тасвирланган. Шуниси қизиққи, қоядаги расмларнинг чизилган пайти Саҳрои Кабирдан топилган «портретлар яратилган даврга тўғри келади.

* * *

ОЛИМЛАР тахминига кўра, сувни тарк қилиб, қуруқликни маскан этган энг қадимий жонивор — чаёндир. Топилган қолдиқлардан улар ҳатто 400—420 миллион йиллар мукаддам мавжуд бўлганлиги аниқланган. Шуниси қизиққи, шунча узоқ муддат мобайнида унинг кўриниши сира ҳам ўзгармаган.

* * *

XIV АСРда Мисрда ҳарбий ҳаёт шу қадар оғир бўлганки, ҳатто баъзи аскарлик ёшига етганлар ҳарбий хизматдан қутилиш учун қасддан бир кўзини кўр қилганлар. Шунда Миср подшоҳи Муҳаммад Али бир кўзли аскарлардан икки черик тузган экан.

Тўпловчи: А. ШЕРОВ.

Реклама ва эълонлар

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ҚОШИДАГИ

ТЎЙ БЮРОСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ШАҲРИ АҲОЛИСИНИНГ ТЎЙ ВА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИДА МАДАНИЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШ УЧУН АЛОҲИДА САНЪАТЧИЛАР ГРУППАСИ МАВЖУД ЭКАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

САНЪАТЧИЛАР ГРУППАЛАРИ ТЎЙ БЮРОСИНИНГ МАХСУС ГУВОҲНОМАЛАРИ БИЛАН ЮБОРИЛАДИ.

АҲОЛИДАН АРИЗА ВА ЗАЯВКАЛАР 20 КУН ОЛДИН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тўй ва оилавий маросимлар ўтказилаётган кунлари маданият бўлими бошлиқлари, маҳалла комитетлари, қишлоқ Советлари, жамоат тартибини сақлаш органлари ходимларига, молия органлари ходимларига, Бюро гувоҳномаси бўлмаган санъатчиларни маданий хизмат қилишдан четлаштириш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автокран машинисти — автомобилларни ремонт қилувчи слесар (техника билим юртини тугатгандан сўнг), автослесарлар база ташкилоти ҳисобидан ҳайдовчи насби ҳуқуқи (категория «С»)ни олиш учун ДОСААФга ўқишга юборилади; слесарь-сантехник; бульдозер, скрепер, прицепли грейдер машинисти; суювоқчи; дурадгор, электр пайвандчи, бўёқчи.

8—10-синфни битирган 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник ихтисоси бўйича ўқувчиларга 65 сўмдан стипендия тўланади, қолган ихтисослар бўйича 30 сўм тўланади ёки 3 марта овқатлантирилади, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Билим юртини битирганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади ва бирлашма ходимлари учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида аттестат, медицина справкаси (286-форма), тўрар жойидан справка, 6 та фотосурат (4х6 см.).

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбус, 14 «а», 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмаси базасидаги
ТОШКЕНТ ШАҲАР
95-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: универсал токарь, фрезерчи, электр-газ пайвандчи, автослесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, штампларни тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-асбобсоз.

8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—2 йил.

Ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кундалик ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юрти ҳузуридаги кечки-сиртқи ўрта мактаб ишлаб турибди.


Билим юртини битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юртида спортнинг қураш, самбо, футбол, волейбол, картинг турлари бўйича секциялар; фото, техника ижоди, ёғочга ўйиб гул солиш тўгараклари, вокал-инструментал ансамбли ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (4-автобуснинг «Дружба» кинотеатри» бекати). Телефон 66-85-85.

ҲАМЗА ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ





ГУЛ ВА ШАЛОЛА.

В. Таран фотоэтюди.

Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида ташкил этилган китоб кўргазмаси оташин революционер, ўзбек совет адабиётининг асосчиси, шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 90 йиллик юбилейига бағишланади. Кўргазмада шоир ҳаёти ва ижодини ўзида қилувчи ранг-баранг китоблар, фотосуратлар, Ҳамза замондошларининг у ҳақидаги эсдаликлари кенг ўрин олган. Материаллар орасидаги «Ҳамза ижодида хотин-қизлар образи» тематикаси томошабинларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Кутубхонада ташкил этилган бу кўргазма Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига тайёргарлик кўриш соҳасида амалга оширилаётган катта ишларнинг бир қисми холос.

УНГА НИМА БЎЛДИ?

(ҲАЖВИЯ)

Шу тобда Маҳмуднинг кайфияти жуда яхши эди. Чунки бугун газетага унинг урушқоқ хотинлар тўғрисидаги «Эгов» номли ҳажвияси босилиб чиққан эди. Бугун ишда эрталабдан кечгача шу ҳажвия ҳақида гап бўлди. Ҳали у, ҳали бу ходим келиб уни табриклади:

— Табриклайман, ҳажвиянгиз босилибди.

— Яшанг, яхши ёзибсиз, биз эрларнинг дилидагини топиб айтибсиз. Буни албатта ювиш керак,— дейишарди улар ҳазил аралаш.

Бирор ёзган нарсаси матбуотда босилиб чиқса хурсанд бўлмайдиган ҳеч ким бўладими. Ёзувчининг ўзигина эмас, унинг яқин кишилари, оила аъзолари ҳам хурсанд бўлиши табиий. Маҳмуднинг хотини ҳар гал унинг бирор ҳикояси ёки ҳажвияси чиққанда, уни шундай хурсандчилик билан кутиб оларди. Ҳозир ҳам уни уйида хотини хурсанд кутиб олса керак?..

Одатда бир асарнинг юзага келиши иккинчи бир янги асарнинг туғилишига илҳом бўлади. Маҳмуд ҳам газетага қараб мазкур ҳажвияси устида ҳаёл суришга бошлади. Ҳатто автобусда уйга кетаётиб, ёзилажак ҳажвиясининг бутун майда-чуйдаларигача ҳаёлидан ўтказиб чиқди.

«Шу бугуноқ ёзиб ташлайман» деб сўз берди ўзига-ўзи.

Ана шундай яхши кайфият билан уйига етиб келган Маҳмуд эшикнинг қўнғироғини босиб, хотинининг кулиб чиқиб келишини кутиб турди. Лекин хотини дарҳол эшикни очмаганидан кейин қўнғироқни яна бир неча марта қаттиқ босди. Шу пайт уй ичидан хотинининг момақалдироқдек овози эшитилди:

— Бўлди, мен кар эмасман!!!

Эшик қўпол тарақлаб очилди, у хотинининг қовоғидан қор ёғиб турган чиройини чала-чулпа кўриб қолди. Чунки у эшик очиши биланоқ дарҳол қайтиб кириб кетди.

Маҳмуд хотинининг бу қилигидан ҳайрон бўлиб уйга ийманибгина қадам қўйди. «Унга нима бўлди? Ҳажвияси газетада чиққанини кўрмадимикан?».

Шу ўй билан у ечинибмеҳмонхонага кирди-да, столда ёйилиб ётган газетани кўрди. Газетада унинг ҳажвияси «мана ман» деб турарди. У хотинининг орқасидан ошхонага кириб сўз қотди:

— Сизга нима бўлди?

— Нима бўлдимиш, гапирманг менга! Мен сизнинг дўстингиз эмас, душманингизман,— деб силтаб ташлади хотини.

— Ҳеч нарсага тушунолмаяпман, ўзи нима гап?

— Нега тушунмайсиз? Хотинингизни позор қилиб, еламга ёйиб газетага ёзасизу, яна тушунмайсиз.

Шундан кейин Маҳмуд гап нимада эканлигини тушуниб, хотинининг соддалигидан кулди.

— Ёзган бўлсам мен сизни ёзганим йўқ-ку, унда сизга ўхшайдиган ҳеч қандай элемент йўқ. Мен ҳалиги турмушда учрайдиган баъзи бир урушқоқ хотинларни танқид остига олганман.

— Бўлди, гапни чалгитманг! Исмини бошқача атаган билан фактни мендан олгансиз.

— Қанақасига ҳамма фактни сиздан олган бўламан? Сиз ўзингизни кимларга ўхшатаяпсиз!

— Ҳаммасини очиқ ёзибсиз-ку, яна нима дейсиз?— хотини шундай деди-да, стол устидаги газетани қўлига олиб, далиллар келтира бошлади: «Эри ойлик пулини олиб келиб қўлига бериши билан хотини: «Бу намунча кам?» деб жанжални бошларди»,— деганингиз мени деганингиз бўлмай нима? Ўтган ойда ўзингиз одатда ойликка тегишлик пулингизни ярмини олганингиздан кейин «Намунча кам?» деб сўраганмаи.

— Қўйсангизчи, мен бу ҳажвияни ундан олдин ёзганман,— деб ғулдиради Маҳмуд.

— «Ораларидан ола мушук ўтиб қолса, бир ҳафтагача аразлаб гапирмасди», — деганингизчи? Ўзингиз мени ноҳақ ранжитганингизни нега ёзмайсиз? Мен аразлаган бўлсам, ҳақ бўлганлигим учун алам қилиб шундай қилганман.

— Тушунсангизчи, ахир, мен сизни ёзганим йўқ.

— «Жанжалнинг каттаси эри ичиб келган куни чиқарди. Унинг учун мастми, соғми барибир, фақат ўзидан ароқ ҳиди келдими бас!» деганингизчи? Қани бу ҳам мен эмасми? Инсоф билан ўйлаб кўринг-да, мен сизга ароқ ичманг деб уришган бўлсам, ёмон қилибманми? Бундан кейин ичинг, ўзингизга яхши бўлса, уйга бочкаси билан олиб кириб ичинг!..

— Астағфурулло,— деди ёқасини ушлаб Маҳмуд.

— Буларни мен бошқаларнинг турмушидан олганман. Шундай хотинлар борки...

— «Хотинининг қариндошлари келса уйида байрам, агар эрининг қариндошлари келса, жанжал чиқмай қолмасди» деганингизга ўлайми? Менинг қайси бир қариндошларим келаётганлигига уялмай шу сўзларни ёздингиз?

— Бас қилинг, жанжални!— деб овозини кўтаришга мажбур бўлди Маҳмуд.— Ҳажвия ёзаман деб балога қолдимми дейман.

Шундан кейин Маҳмуд ҳақиқатан ҳам чуқур ўйланиб қолди. Агар унинг бюрократ бошлиқ тўғрисида ёзмоқчи бўлган ҳажвияси газетада босилиб қолгудек бўлса нима бўлади?

Идора бошлиғи бўлимга чақириб олиб:

— Ҳа, Маҳмуджон, энди келиб-келиб ўз бошлиғингизни ҳажвия қиладиган даражага етибсизда, сизни хизматга олиб тарбиялаб ўстирганлигимнинг мукофоти шуми?— деса нима бўлади? Уни «Бу сиз эмас, мен бошқа бюрократ бошлиқни ёзганман» деб ишонтира олармикан?

Бошлиқ «Унга нима бўлди?» демасмикан?

Сейидҳон СОТИШЕВ.

КУНЛАРДАН БИР КУН...


А. ДЮМА ГЕРМАНИЯДА

Машҳур француз ёзувчиси Александр Дюма Германиядаги саёҳати вақтида қорни жуда очди. Дюма немис тилини билмас эди. Ноилож у бир немис деҳқонини уйига кирди. Дюма немис деҳқонига имо-ишора билан тушунтира бошлади. Бироқ деҳқон унинг мақсадини тушунмасди. Ниҳоят Дюма бир варақ қоғоз олиб унга қўзи-қорин суратини чизди ва уни деҳқонга узатди. Деҳқон варақни олгач, унга бир жуфт қуллуқ қилиб, хонадан чиқиб кетди. Дюма деҳқон тушунди деб хурсанд кутиб ўтирди.

Орадан анча вақт ўтди. Дюма иштаҳа билан қўзи-қоринни кутар эди. Шу вақт эшик очилиб деҳқон пайдо бўлди. Деҳқоннинг қўлида... зонтик бор эди.

Французчадан Н. ХУДОЙҚУЛОВ таржимаси.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Нега муаллимингизга салом бермадингиз?
— Мен профессор дадамга салом бермайман-ку.

— Бизни ташлаб номард сенга йўл бўлсин!!

Қара, роса «Муштум»да боплашибди-да. Сарлавҳасини айтмайсанми: «Гапни гапир ўққанга».

А. Холиқов чизган суратлар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ХОККЕЙ. Бугун Москвада хоккей бўйича жаҳон ва Европа биринчиликлари ўйинлари бошланади. Аввалига командалар икки группага бўлиниб куч синашадилар. СССР терма командаси «А» группасида қатнашади. Бугун хоккейчиларимиз биринчи учрашувни Польша командаси билан ўтказадилар. Эртага эса ГФР ва 17 апрелда Швеция командаларига қарши майдонга тушадилар.

ВЕЛОПОЙГА. Республикамиз йўллари бўйлаб ўтказилаётган кўп кунлик велосипед пойгасида областлар терма командалари қатори иттифоқдош республикалар ва Финляндия спортчилари ҳам иштирок этишмоқда. Кеча пойга қатнашчилари 50 километрлик группа ва Андижон—Наманган оралиғидаги еттинчи босқичда куч синашдилар. Фарғона—Андижон оралиғидаги 147 километрлик бешинчи босқичда Ўзбекистон пойгачиси А. Хрушчев маррага биринчи бўлиб келди.

САМБО. Белоруссиянинг Новополск шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда самбо бўйича ўсмирлар ўртасида СССР шахсий команда биринчилиги мусобақаларида қатнашган Ўзбекистон полвонларн тўртинчи ўринни олишди. Шахсий ҳисобда тошкентлик Б. Файзнев олтин, М. Дадахўжаев эса бронза медалларига сазовор бўлишди.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — АБВГДейка. 10.10 — Строгоновлар. Бадиий фильм. 8-серия. 11.20 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.50 — Дунё боқеалари. 12.05 — Тонгги почта. 12.35— Фан одамида. 13.05 — Хоккей. Ўйин қоидалари. 13.20 —Москвичка. 14.30 — Здоровье. 15.15 — Болалар учун «Петька космосда». Бадиий фильм. 16.20 — Спортлото. 16.35 —Бизнинг обзор. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 17.20 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР — Финляндия. 19.00 — Камалак. 19.25 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 20.25 — Афсона шундай бошланди. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Концерт. 22.55 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 23.20 — Шимолий Осетия АССР «Алан» Давлат халқ рақс ансамблининг концерти. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.50 — Ўзбекистонда спорт. 11.10 — Жанговар постда. 11.40 — Соз ва созанда. 12.30 — Замандас. 13.10 — Оила муҳокамасига. 13.40 — Кинопублицист экрани. 14.30— Ҳ. Ҳ. Ниёзий «Майсаранинг иши». спектакль. 17.35 — Мультфильм. 17.55 — Болалар учун «Фонарик». 18.30 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. 19.30 — Маком кечаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ер ва диёр тароналари. 21.30 — Вақт. 22.05 — Одамда нима гап? 22.35 — Йўқолган экспедиция. Бадиий фильм, 1-серия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.20 — **Душанба кўрсатувлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/IV да **Травиата**, 15/IV да **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Бир антли балетлар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —14/IV да **Қиёмат қарз**, 15/IV да **Шошма, куёв**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/IV да **Кўнгли ёш қариялар**, 15/IV да **Тошкентнинг нозанин маликаси**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IV да **Тинмасин соз** (19.00), 15/IV да **Ишқ қурбонлари** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —**Янги программа: катта цирк томошалари, «Семафор-гигант» аттракциони** (14/IV да 13.00, 16.00, 19.30, 15/IV да 12.00, 16.00, 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337918, 325743; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02885. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2373.